



«РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ: ҚОНУНЧИЛИКНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР (AI ва Big Data) КОНТЕКСТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси

ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18918704>

ARTICLE INFO

Received: 1st March 2026

Accepted: 5th March 2026

Published: 9th March 2026

KEYWORDS

Ўзбек тилида: Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси; рақамли
трансформация;
киберпрофилактика; сунъий
интеллект (AI);
кибержиноятчилик;
виктимологик профилактика;
ижтимоий-психологик коррекция;
ички ишлар органлари;
такомиллаштириш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноятчиликнинг рақамли маконга трансформация бўлиши ҳамда оммавий маълумотлар чиқиб кетиши шароитида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни янги таҳририга «киберпрофилактика» тушунчасини киритиш, шунингдек сунъий интеллект ва катта ҳажмли маълумотлар (Big Data) технологияларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга доир тақлифлар илмий жиҳатдан асослаб берилган. Халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлили асосида рақамли муҳитда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатларини кенгайтириш, тизимли виктимликка қарши профилактика механизмларини жорий этиш ҳамда яқка тартибдаги профилактика чораларига ижтимоий-психологик коррекция элементларини интеграция қилиш зарурати асосланади. Тадқиқот натижалари қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланиш учун мўлжалланган.

1 КИРИШ

Сўнгги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси давлат сиёсати даражасида устувор йўналиш сифатида белгилаб олинмоқда. Хусусан, 2025 йилда «Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш» вазифасининг устувор этиб белгиланиши ҳамда ички ишлар органлари фаолиятида сунъий интеллект ва рақамли ахборот тизимларини жорий этиш бўйича амалий ишлар бошлангани ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда проактив ва рақамли ёндашувга ўтиш зарурлигини кўрсатади.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, инсоният янги босқич – сунъий интеллект даврига кирмоқда ва бу жараёнда ким илмий изланиш ва амалий

натижа билан олдинга чиқса, рақобатда устунликни қўлга киритади. Шу боис, сунъий интеллектни жадал жорий этиш инфратузилмани мустаҳкамлаш, очиқ маълумотлар базасини шакллантириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан узвий боғлиқ стратегик вазифа сифатида белгиланди. [1].

Ўзбекистон Республикасида рақамли трансформация жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, 2003 йил 11 декабрда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ЎРҚ-560-II-сон Қонун, [2] 2022 йил 15 апрелдаги «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-764-сон Қонуни, [3] шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни [4] нормаларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янги шароитларга мослаштиришни талаб этади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва давлат бошқарувини модернизация қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида рақамли муҳитда хавфсизликни таъминлаш устувор вазифалар қаторига киритилган эди.

Мазкур стратегик йўналишлар изчил давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ-21-сон Фармони билан 2030 йилгача мўлжалланган устувор ислохотлар янги таҳрирда белгилаб берилди. Унда кибержиноятларнинг умумий жиноятчиликдаги улушини 45 фоизгача камайтириш стратегик индикатор сифатида назарда тутилгани профилактика фаолиятини рақамли муҳит шароитида қайта концептуаллаштириш заруратини англатади.

Илмий нуқтаи назардан, рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси реактив чоралардан кўра хавфга йўналтирилган (risk-based) ва виктимологик профилактика устувор бўлган проактив моделга таянишини тақозо этади. Чунки кибермаконда ҳуқуқбузарлик «худуд» билан эмас, рақамли излар, платформалар ва фойдаланувчи хулқи орқали белгиланади. Демак, профилактика ҳуқуқий механизми ҳам хавф гуруҳларини аниқлаш, оммавий виктимликни камайтириш ва тизимли рақамли таҳдидларга барвақт жавоб беришга мос ҳуқуқий ваколатлар билан мустаҳкамланиши лозим.

Очиқ манбаларда келтирилган расмий маълумотлар ушбу тенденциянинг амалдаги қўламини яққол намоён этади: 2021–2025 йиллар кесимида республикада кибержиноятлар сони 4 865 тадан 62 440 тага етган бўлиб, бу кўрсаткич тахминан 12,8 баробарга ёки 1184 фоизга ошганини кўрсатади. Ушбу жиноятлар оқибатида фуқароларга жами 3 трлн 730 млрд сўм моддий зарар етказилган бўлиб, шундан 1 трлн 890 млрд сўм қисми 2025 йилнинг 11 ойи ҳиссасига тўғри келади.[5]

Мазкур кўрсаткичлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин жавоб қайтаришга асосланган реактив модель доирасида сақлаб қолиш ижтимоий-иқтисодий йўқотишлар қўламини ортишига олиб келаётганини кўрсатади. Бундай шароитда ҳуқуқни қўллаш амалиётида профилактиканинг рақамли сегментини алоҳида йўналиш сифатида шакллантириш, уни тизимли ва олдиндан башорат қилишга қодир таҳлилий механизмлар (сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш технологиялари) билан таъминлаш зарурати юзага келмоқда.

Бу ҳолат суд-тергов ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида мавжуд ёндашувларни қайта баҳолашни, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида қонунчилик

нормаларини рақамли муҳит талабларига мослаштириш масаласини сиёсий-ҳуқуқий аҳамият касб этувчи вазифага айлантирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) ЎРҚ-371-сон қонуни қабул қилинган даврида муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, ҳозирги рақамли давр таҳдидларига тўлиқ жавоб бера олмапти. Бу, энг аввало, қонунчиликда профилактика фаолиятининг ҳанузгача «географик детерминация» тамойилига асослангани билан изоҳланади. Яъни, ҳуқуқбузарлик асосан муайян ҳудуд (маҳалла, кўча, жамоат жойи) билан боғланади. Ваҳоланки, кибермакон чегарасиз бўлиб, ҳуқуқбузарликлар виртуал муҳитда, ҳудудий чекловлардан ташқари ҳолда содир этилмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ҳудудий ёндашувдан рақамли ёндашувга ўтиши зарурлигини тақозо этади.

Мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканлиги сўнгги вақтларда статистик маълумотлар ва ижтимоий платформаларда кенг муҳокама қилинган шахсга доир маълумотлар тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар мисолида яна бир бор яққол намоён бўлмоқда. Бундай кенг қўламли маълумотлар базаларига ноқонуний кириш ҳолатлари жамоатчилик эътиборини жалб этгани ҳолда, кўп сонли фуқароларни бир вақтнинг ўзида рақамли виктимлик хавфи остига қўяди ҳамда мавжуд профилактика механизмларининг оммавий ва тизимли кибертаҳдидлар олдида заиф эканини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, мазкур ҳолатни фақат техник камчилик сифатида эмас, балки миллий хавфсизликка доир жиддий рақамли таҳдид сифатида баҳолаш лозим. Айниқса, бундай маълумотлар сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ўғирлик, фирибгарлик, шахсий маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш ва ижтимоий манипуляция қилиш учун юқори самарали қуролга айланиши мумкин.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар сони сўнгги йилларда бир неча баробарга ошган бўлса-да, амалдаги қонунчиликда профилактика субъектларининг кибермаконда хавф гуруҳларини аниқлаш, рақамли виктимологик чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда оммавий рақамли таҳдидларга тизимли жавоб қайтариш ваколатлари етарлича белгилаб қўйилмаган. Айниқса, Қонуннинг 3, 6, 9, 10 ва 29-моддаларида назарда тутилган механизмлар рақамли муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди.

Бу борада миллий тадқиқотларда ҳам кибержиноятчиликнинг трансчегаравий, юқори даражада яширин ва технологик мураккаб хусусияти анъанавий профилактика ва тергов механизмлари билан самарали қарши курашиш имконини чеклаётгани таъкидланади.

Жумладан, Бекзод Қобулов кибермаконда содир этиладиган жиноятларнинг анонимлик, инфратузилманинг мураккаблиги ва электрон далилларни аниқлашдаги қийинчиликлар билан характерланишини кўрсатиб, жиноят-процессуал қонунчиликда электрон (рақамли) далиллар тушунчасини аниқ белгилаш, уларни олиш ва баҳолаш тартибларини такомиллаштириш зарурлигини асослайди [6]. Шунингдек, муаллиф ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг рақамли компетенцияларини ошириш ва махсус киберлабораториялар ташкил этишни муҳим ташкилий чора сифатида илгари суради.

Мазкур хулосалар профилактика соҳасида ҳам аналогик муаммо мавжудлигини кўрсатади: агар тергов босқичида электрон далиллар билан ишлаш механизмлари мураккаблашган бўлса, профилактика босқичида рақамли таҳдидларни барвақт

аниқлаш ва башорат қилиш механизмларининг етарлича ҳуқуқий тартибга солинмагани янада долзарб масала ҳисобланади.

Бу масала давлат сиёсати даражасида ҳам стратегик аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2025 йил январь ойида ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишларида [7] замонавий таҳдидлар табиати тубдан ўзгаргани, жиноятчилик ва хавф-хатарлар энди сунъий интеллект, кибер ва рақамли технологиялар асосида шаклланаётгани алоҳида таъкидлаб ўтган эди [8]. Давлат раҳбари томонидан барча соҳаларда, жумладан жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида ҳам «проактив иш режими»га ўтиш зарурлиги қайд этилди [9]. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасини рақамли таҳдидларга мос, илмий асосланган ва олдиндан башорат қилишга қодир механизмлар билан таъминлашни талаб қилади.

Айнан шу стратегик йўналиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ-155-сонли қарори [10] билан ички ишлар органлари тизимига сунъий интеллект ва Big Data технологияларини жорий этиш вазифаси белгиланди. Бироқ мазкур технологияларни самарали татбиқ этиш учун, аввало, олий юридик кучга эга бўлган қонун даражасида аниқ ва мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор шакллантирилиши лозим. Сунъий интеллект алгоритмларининг ҳуқуқий чегаралари, шаффофлиги ҳамда инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги фақат қонунчилик даражасида белгилаб қўйилган тақдирдагина рақамли технологиялар профилактиканинг самарали воситасига айланиши мумкин.

Шу маънода, мазкур мақоланинг долзарблиги шундаки, унда илгари сурилаётган киберпрофилактика ва прогнозлаш моделлари ҳуқуқбузарликларни фақат фош этишга эмас, балки уларни барвақт олдини олиш ҳамда фуқароларнинг рақамли виктимлик даражасини камайтиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сон [11] ва 2026 йил 16 февралдаги «Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»

ПФ-21-сон [12] фармонларида белгиланган стратегик мақсадларга эришиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасининг ҳуқуқий базасини анъанавий ёндашувлардан инновацион рақамли форматга ўтказиш кечиктириб бўлмас заруратдир.

2. Материаллар ва методлар

Мазкур тадқиқот норматив-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот ва статистик контент-таҳлил методлари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг норматив базасини Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни (2014) ЎРҚ-371, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июль кунги «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» Қонуни (ЎРҚ-547), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрель кунги «Ички ишлар органлари тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-155-сон қарори, шунингдек «Рақамли Ўзбекистон – 2030» ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиялари ташкил этди.

Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил доирасида Буюк Британия (NCSC Active Cyber Defence модели), Сингапур (Cybersecurity Act), Нидерландия (Responsible Disclosure сиёсати), Эстония

(Cybersecurity Strategy 2024–2030) ва АҚШ (NIST Cybersecurity Framework 2.0, CISA cyber hygiene services) тажрибалари ўрганилди. Қиёс мезонлари сифатида:

киберпрофилактиканинг ҳуқуқий таърифи ва институционал мақоми;

профилактика субъектлари ваколатлари ва жавобгарлиги;

идоралараро рақамли ахборот алмашинуви механизмлари;

шахсий маълумотлар ва алгоритмик қарорлар устидан назорат кафолатлари танланди.

Статистик контент-таҳлил доирасида 2021–2025 йиллардаги кибержиноятлар динамикаси, моддий зарар ҳажми ва ёш гуруҳлари бўйича виктимлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Таҳлилда мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар ўртасидаги динамик ўзгаришлар ҳисобга олинди.

Тадқиқот тизимли ёндашув асосида амалга оширилиб, профилактика субъектлари, рақамли технологиялар ва ҳуқуқий кафолатлар ўртасидаги функционал ўзаро боғлиқлик комплекс тарзда баҳоланди.

3. Рақамли макондаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик таснифи ва детерминацияси

Замонавий жамиятда кибермакондаги ҳуқуқбузарликларнинг детерминацияси, одатда, икки ўзаро боғлиқ омил билан изоҳланади: бир томондан, жиноятларнинг техник жиҳатдан мураккаблашуви, иккинчи томондан эса фойдаланувчиларнинг рақамли хавфсизлик маданияти даражаси. Шу боис виктимологик таҳлил профилактика механизмларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Кибержиноятчиликда виктимликнинг оммавий тус олаётгани республика миқёсидаги расмий статистик маълумотларда ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2024 йилда умумий жиноятларнинг 44,4 фоизи кибержиноятлар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2021–2024 йиллар давомида мазкур тоифадаги жиноятлар оқибатида фуқароларга 1,9 триллион сўмдан ортиқ молиявий зарар етказилган. Кибержиноятларнинг 98 фоизи банк карталари билан боғлиқ экани эса виктимоген муҳитнинг кенг қамровли ва оммавий характер касб этаётганини кўрсатади.

Мазкур ҳолат рақамли виктимликни фақат индивидуал эҳтиёткорлик масаласи сифатида эмас, балки тизимли ижтимоий хавф сифатида баҳолаш заруратини юзага келтирмоқда.

Рақамли муҳитда виктимликни профилактика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун жабрланувчиларни шартли равишда қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин:

– рақамли хавфсизлик қоидалари бўйича билим ва кўникмалари етарли бўлмаган фойдаланувчилар;

– муайян техник кўникмаларга эга, аммо ҳуқуқий ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билимлари чекланган шахслар;

– йирик молиявий ва ахборот ресурслари билан ишловчи профессионал субъектлар.

Мазкур тасниф профилактика субъектларига хавф гуруҳларини аниқлаш, мақсадли профилактик дастурлар ишлаб чиқиш ва рақамли гигиена стандартларини дифференциаллаш имконини беради. Бироқ замонавий рақамли воқелик шароитида виктимлик фақат шахсий омиллар билан белгиланмайди. Оммавий маълумотлар

чиқиб кетиши, алгоритмик фирибгарлик схемалари ва трансмиллий киберхужумлар аҳолининг барча қатламларини бирдек хавф остига қўяди.

Шу боис виктимологик профилактика фақат индивидуал хулқ-атвори тартибга солиш билан чекланмасдан, рақамли инфратузилманинг барқарорлиги, маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари ва профилактиканинг ҳуқуқий механизмлари билан уйғун ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур ёндашув «рақамли гигиена» тушунчасини умумий ҳуқуқий эҳтиёткорлик стандарти сифатида қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш заруратини асослайди.

Амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, кибермаконда содир этиладиган жиноятлар кўп ҳолларда «кўп жабрланувчи — нисбатан кичик ёки ўртача тўлов — тез ва оммавий тарқалиш» модели асосида амалга оширилади. Бундай схемаларнинг ўзига хос хусусияти — ҳар бир алоҳида ҳолатда зарар нисбатан кичик бўлса-да, оммавийлик ҳисобига умумий ижтимоий-иқтисодий оқибатлар салмоқли бўлади.

Хусусан, 2025 йил ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида аниқланган ҳолатда жиноий гуруҳ ижтимоий тармоқлар орқали «лимитни нақдлаш» хизмати ниқоби остида тахминан 600 нафар фуқаронинг ишончини суиистеъмол қилган ва жами 1 млрд 32 млн сўм маблағни ўзлаштиргани қайд этилган [14]. Ушбу ҳолат рақамли фирибгарлик схемаларининг оммавий ва тез тарқалувчан хусусиятга эга эканини намоён этади.

Мазкур кейс якка ҳолат сифатида эмас, балки рақамли муҳитда виктимликнинг тизимли тус олаётганини кўрсатувчи эмпирик далил сифатида баҳоланиши лозим. Шу боис профилактика фақат аҳолини умумий хабардор қилиш билан чекланмасдан, хавфли онлайн фаолиятни барвақт аниқлаш, оммавий тарқалиш механизмларини узиш ҳамда юқори виктимлик мойиллигига эга сегментлар билан мақсадли ишлаш имконини берувчи ҳуқуқий ваколатларни қонун даражасида мустаҳкамлашни талаб этади.

4. Қонунчиликни такомиллаштириш: стратегик мақсадлар ва амалий таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли («Рақамли Ўзбекистон — 2030») ҳамда ПФ-158-сонли («Ўзбекистон — 2030» стратегияси) фармонлари билан белгиланган вазифалар доирасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини рақамли макон шароитига мослаштириш кечиктириб бўлмас зарурат сифатида намоён бўлмоқда. Амалдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун нормалари, асосан, физик муҳитдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, рақамли муҳитда содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди. Шу боис, мазкур соҳада *Lex specialis* тамойили асосида махсус ҳуқуқий механизмларни жорий этиш талаб этилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасини қуйидаги мазмундаги нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

3-модда. Асосий тушунчалар («киберпрофилактика»)

Қонуннинг 3-моддаси («Асосий тушунчалар»)га «киберпрофилактика» атамасини киритиш ва уни қуйидагича ҳуқуқий таърифлаш таклиф этилади:

«Киберпрофилактика – ахборот-коммуникация технологиялари-дан фойдаланган ҳолда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этишга, шунингдек аҳолининг рақамли виктимлик даражасини камайтиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирлар тизими».

Мазкур норма қонунга киритилганда, кибермаконда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳуқуқий жиҳатдан аниқ таърифланган ва қонун билан бевосита асосланган фаолият сифатида мустаҳкамланади.

6-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари

Қонуннинг 6-моддасига ҳуқуқбузарликлар профилактика-сининг мустақил тури сифатида «киберпрофилактика»ни киритиш таклиф этилади.

Таклиф этилаётган норма қонунга киритилганда, кибермаконда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш анъанавий профилактика шаклларида алоҳида, мустақил профилактика йўналиши сифатида эътироф этилади ҳамда профилактика субъектларининг рақамли муҳитда амалга оширадиган чора-тадбирлари қонун билан бевосита асосланади.

9-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими

Қонуннинг 9-моддасини қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар ҳуқуқбузарликларнинг рақамли муҳитда содир этилиши хусусиятларини инобатга олган ҳолда, профилактика тадбирларини амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини таъминлаши, шунингдек ички ишлар органлари билан рақамли форматда ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйиши шарт.

Таклиф этилаётган норма қонунга киритилганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи барча субъектлар фаолиятининг ягона минимал рақамли стандартлари шакллантирилади, идоралараро ахборот интеграцияси таъминланади ҳамда профилактика тизимида институционал узилишларнинг олди олинади.

10-модда. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

Амалдаги 10-модда ички ишлар органларига криминоген вазиятни ўрганиш, ҳуқуқбузарликлар ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш ҳамда бошқа профилактика субъектлари билан ҳамкорлик қилиш ваколатларини беради. Бироқ рақамли муҳитда шаклланаётган кибертаҳдидлар, оммавий фирибгарлик схемалари ва тез тарқалувчи зарарли контент профилактика фаолиятида реал вақт режимида мониторинг ва идоралараро рақамли ахборот интеграциясини талаб қилмоқда. Шу муносабат билан ички ишлар органларининг профилактика соҳасидаги ваколатларини рақамли форматда амалга оширишни назарда тутувчи қўшимча норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Қонун матнига таклиф этилаётган норма номи ва 10 моддасини қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдириш

Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмида ички ишлар органларининг профилактика соҳасидаги ваколатларини рақамли форматда амалга оширишни назарда тутувчи янги хатбошини киритиш таклиф этилади ва уни қуйидаги мазмунда баён этиш мақсадга мувофиқ:

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда рақамли муҳитда шаклланаётган хавф-хатарларни барвақт аниқлаш ва баҳолаш мақсадида рақамли технологиялар соҳасида ваколатли давлат органлари билан эгасизлантирилган маълумотлар (деперсонализация) [15] маълумотлар асосида автоматлаштирилган ахборот алмашинувини амалга оширади, шунингдек кибертаҳдидларни мониторинг қилиш ва таҳлил қилиш механизмларидан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланади.

Таклиф этилаётган норма қонунга киритилганда, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларини рақамли таҳлил ва мониторингга таянган ҳолда амалга ошириш учун аниқ ва барқарор ҳуқуқий асос яратилади.

Ижтимоий-психологик коррекция институтини жорий этиш
(29-модда)

Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари тизимига ихтиёрий асосда қўлланиладиган ижтимоий-психологик коррекция механизмларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-психологик коррекция механизмлари –ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида қўлланиладиган, шахсларнинг ҳуқуқий онги, ижтимоий хулқ-атвори ва рақамли муҳитдаги мослашувини яхшилашга қаратилган профилактик таъсир чоралари мажмуасидир.

Мазкур механизмлар:

ҳуқуқбузарликка мойил шахсларга нисбатан — ҳуқуқбузарликка олиб келаётган хулқ-атворни бартараф этиш, ижтимоий мослашувни таъминлаш ҳамда такрорий ҳуқуқбузарлик хавфини камайтиришга;

жабрланувчиларга нисбатан — қайта виқтимланиш хавфини камайтириш ва хавфсиз, масъулиятли рақамли хулқ-атворни шакллантиришга қаратилган тарзда қўлланилади.

Ушбу механизмларнинг жорий этилиши профилактика чора-тадбирларини фақат ҳуқуқбузарлик оқибатларига реакция қилиш билан чекламасдан, шахсни ижтимоий мослаштириш ва барвақт профилактикага йўналтирилган инсонпарвар ёндашув сифатида амалга ошириш имконини беради.

Таклиф этилаётган норма қонунга киритилганда, якка тартибдаги профилактика тизимида ижтимоий-психологик таъсир чораларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланади ҳамда профилактика фаолиятининг самарадорлиги оширилади.

5. Сунъий интеллект ва профилактик прогнозлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–155-сонли қарори билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида маълумотларни сунъий интеллект (AI) ва Big Data технологиялари асосида таҳлил қилиш вазифасининг белгиланиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Мазкур ёндашув ҳуқуқбузарликларга нисбатан фақат содир этилгандан кейин чора кўришга асосланган «reactive» моделдан, уларни барвақт аниқлаш ва

жиловлашга йўналтирилган «proactive» профилактика моделига ўтиш имконини яратади.

Замонавий рақамли воқеликда жиноятчилар қўлига ўтган йирик ҳажмли маълумотлар базалари, хусусан, миллионлаб фуқароларга тегишли маълумотлар сунъий интеллект алгоритмлари орқали қайта ишланиб, ҳар бир шахс учун индивидуал фирибгарлик сценарийларини шакллантириш имконини бериши мумкин. Бу ҳолат рақамли муҳитда жиноятчиликнинг сифат жиҳатдан янги шаклга ўтаётганини кўрсатади ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида сунъий интеллект ва Big Data технологияларидан фойдаланишни фақат техник янгиланиш сифатида эмас, балки рақамли таҳдидларга нисбатан адекват ва мос ҳуқуқий-технологик жавоб сифатида баҳолашни тақозо этади.

Маълумотларнинг оммавий чиқиб кетиши шароитида анъанавий қидирув ва таҳлил усуллари кўп ҳолларда чекланган самара беради. Аксинча, алгоритмик таҳлил орқали катта ҳажмли маълумотлар ўртасидаги яширин боғлиқликларни аниқлаш, хавфли тенденцияларни барвақт белгилаш ҳамда эҳтимолий ҳужумларни прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади.

Шу нуқтаи назардан, профилактика тизимига «Predictive Policing» (башорат қилувчи полиция) элементларини жорий этиш қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин:

Кибер-хариталаш — ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш динамикаси, усуллари ва тенденцияларини таҳлил қилиш орқали сунъий интеллект ёрдамида рақамли хавф-хатар зоналари ҳамда юқори виктимлик мойиллигига эга гуруҳларни аниқлаш;

Автоматлаштирилган профилактик хабардор қилиш —эгасизлантирилган маълумотлар (деперсонализация) асосида, юқори хавф даражаси аниқланган ҳолатларда фуқароларга индивидуал огоҳлантирувчи ахборотларни тавсиявий тарзда етказиш.

Бироқ сунъий интеллект технологияларини ҳуқуқбузарликлар профилактикасига татбиқ этиш жараёнида алгоритмик шаффофлик, ҳисобдорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига қатъий риоя этилиши шарт. Сунъий интеллект асосида шакллантирилган хулосалар профилактика инспектори учун мажбурий қарор эмас, балки таҳлилий

ва тавсиявий характерга эга бўлган ахборот сифатида қўлланилиши лозим. Бундай ёндашув инсон омилининг ҳал қилувчи аҳамиятини сақлаб қолиш ҳамда алгоритм хатолари натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур ёндашувнинг амалий аҳамияти кибермаконда аниқланган реал ҳолатлар орқали яққол намоён бўлади. Жумладан, юқорида таҳлил қилинган оммавий рақамли фирибгарлик ҳолати каби жиноят схемалари кўплаб тарқоқ рақамли излар ҳамда қисқа вақт ичида тез тарқалиш хусусиятига эга бўлгани сабабли, уларни ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейингина ишга тушадиган анъанавий профилактика усуллари орқали барвақт аниқлаш амалда самара бермайди. Шу боис, сунъий интеллект ва Big Data асосидаги алгоритмик таҳлил рақамли муҳитда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашнинг объектив зарурати сифатида намоён бўлади ва мазкур технологияларни қўллаш доирасини, чегаралари ҳамда кафолатларини қонун даражасида белгилашни тақозо этади.

6. ХУЛОСА

Рақамли трансформация шароитида жиноятчиликнинг кибермаконга кўчиши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Ўтказилган таҳлиллар амалдаги профилактика модели асосан ҳудудий ва реактив хусусиятга эга бўлиб, рақамли муҳитдаги оммавий, трансчегаравий ва юқори технологик таҳдидларга нисбатан етарли даражада самара бермаётганини кўрсатди.

Тадқиқот натижалари асосида «киберпрофилактика»ни ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мустақил тури сифатида қонун даражасида мустаҳкамлаш, профилактика субъектларининг ваколатларини рақамли муҳит шароитига мос равишда аниқлаш ҳамда идоралараро рақамли ахборот алмашинуви учун минимал стандартларни белгилаш зарурати илмий жиҳатдан асосланди.

Шу билан бирга, сунъий интеллект ва Big Data технологияларидан профилактика мақсадларида фойдаланиш фақат мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар — маълумотларни мажбурий эгасизлантириш, мақсад чеклови, маълумотларни минималлаштириш, алгоритмик қарорларни инсон иштирокида текшириш ва ҳисобдорлик механизмлари билан биргаликда амалга оширилиши лозимлиги далилланди. Бундай ёндашув технология самарадорлиги ва инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Виктимологик таҳлил рақамли муҳитда хавф гуруҳларини барвақт аниқлаш ва «рақамли гигиена»ни умумий ҳуқуқий эҳтиёткорлик стандарти сифатида белгилаш профилактика тизимининг натижадорлигини оширишини кўрсатди.

Виктимликка қарши профилактика механизми сифатида (а) хавф гуруҳларини рақамли индикаторлар асосида аниқлаш, (б) эгасизлантирилган маълумотлар (деперсонализация) асосида таргетланган огоҳлантиришни йўлга қўйиш, (в) «рақамли гигиена»ни ҳуқуқий эҳтиёткорлик стандарти сифатида мустаҳкамлаш ҳамда (г) қайта виктимланишнинг олдини олувчи тезкор ҳамкорлик протоколларини жорий этиш таклиф этилади. Ушбу чоралар оммавий виктимликни камайтириш, моддий зарар ҳажмини қисқартириш ва профилактиканинг проактив моделга ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

Якка тартибдаги профилактика чораларига ижтимоий-психологик коррекция элементларини интеграция қилиш эса такрорий ҳуқуқбузарлик ва қайта виктимланиш хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Шу тариқа, мақолада илгари сурилган таклифлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини рақамли муҳит шароитида тизимли модернизация қилишга қаратилган яхлит ҳуқуқий моделни шакллантиради. Ушбу моделни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш профилактиканинг реактив форматидан проактив форматга ўтишни институционал жиҳатдан таъминлашга хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2025 йил 21 октябрь куни давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши. <https://president.uz/uz/lists/view/8582>

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ЎРҚ-560-II-сон Қонун.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелда «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги ЎРҚ-764-сон Қонун.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ЎРҚ-371-сон Қонуни.
5. Kun.uz. «Ўзбекистонликлар 11 ойда кибержиноятлардан 1 трлн 890 млрд сўм зарар кўрди» (23.12.2025) <https://kun.uz/kr/news/2025/12/23>.
6. Қобулов Б. Кибермакондаги жиноятларнинг хавфсизликка таҳдиди ва уларга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари // Тергов амалиёти: ҳуқуқий, илмий-амалий журнал. – 2024. – № 1 (21-сон). – Б. 31–35.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида 13-январь куни Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиши (13.01.2026) <https://president.uz/oz/lists/view/8851>.
8. Ушбу манбада:(13.01.2026) <https://president.uz/oz/lists/view/8851>.
9. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши (27.01.2026) <https://president.uz/oz/lists/view/8882>.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. «Ички ишлар органлари тизимига сунъий интеллект ва Big Data технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (ПҚ-155-сон, 30.04.2025). Lex.uz (ҳужжат паспорти).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» (ПФ-6079-сон, 05.10.2020). Lex.uz (ҳужжат паспорти).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» (ПФ-21 16.02.2026). Lex.uz (ҳужжат паспорти).
13. Kun.uz. «Интернетда 600 нафар фуқарони алдаган гуруҳ қўлга олинди: 1 млрд сўмдан ортиқ пул ўзлаштирилган» (23.12.2025). <https://kun.uz/kr/news/2025/11/10/>
14. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» (ЎРҚ-547-сон, 02.07.2019). <https://lex.uz/docs/4396419>